ҚАДАМИНГИЗГА ҲАСАНОТ, ЖАНОБ ПРЕЗИДЕНТ!

Бугун Финляндия Республикасининг Президенти Мауно Койвисто Тошкентга келади. Бу расмий ташриф иккала мамлакат халқлари ўртасидаги дўстликни, давлатлараро муносабатларни ривожлантиришга янги омил бағишлайди, деб умид қиламиз.

Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон ОВОЗИ

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети ● Нархи 3 сўм.

1992 йил 30 сентябрь, чоршанба № 192 (21.290).

Асқар АКАЕВ Ўзбекистонга келди

● Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев бошчилигидаги делегация 29 сентябрь куни Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳрига расмий ташриф буюрди.

Делегация таркибида Қирғизистон Республикаси Бош вазири Т. Чингишев, Қирғизистон Республикаси Президент девони раҳбари, давлат котиби Э. Қорабоев, Жалолобод вилояти ҳокими Б. Осмонов, Ўш вилояти ҳокими Б. Сидиқов ва бошқа расмий кишилар бор.

Қирғизистон Республикаси Президенти А. Акаев билан мамлакатимиз Президенти И. Каримов ўртасида музокаралар бўлади ҳамда иккала мустақил давлат ўртасида сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳамкорлик қилиш масалалари муҳокама қилинади.

Меҳмонларни Тошкент аэропортида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов, Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги давлат котиби Р. Ражабов, Андижон вилояти ҳокими Қ. Холмирзаев, Тошкент шаҳри ҳокими А. Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар кутиб олишди.

(ЎзА).

Суратда: кутиб олиш пайти.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.

ХЕЛЬСИНКИДА ЖАРАНГЛАГАН ЎЗБЕКИСТОН СЎЗИ

1992 ИИЛ 26 ФЕВРАЛЬ

1992 йил 26 февралда 1975 йилдан бери матни Финляндия ҳукуматида сақланаётган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши Якунловчи ҳужжати остига яна бешта янги имзо қўйилди. Имзолардан бирини Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов қўйди ва нутқ сўзлади:

Биз Хельсинки Якунловчи актини имзолаш билан ўз зиммаларига тинч, одилона ҳалқаро тартибни барпо этиш мажбуриятини олган давлатлар ҳамдўстлигига қўшилдик...

Ўзбекистон Умумевропа жараёнига қўшилар экан, ўзининг ядросиз дунёга содиқлигини билдиради ва давлатлараро муносабатларда ҳалқаро муаммоларни ҳал этишда куч ишлатиш билан дўқ қилиш ва ҳар қандай зўравонлик усуллари ўзаро истисно этилишини кутади. Бу масалаларнинг ҳаммаси фақат сиёсий, келишув усуллари ва воситалари билан ҳал этилади...

Ўзбекистон ҳамкорлигимиз билан ўзаро олинган мажбуриятлар ва битимларга риоя этиб, Умумевропа жараёнининг қоидалари ва моҳияти бундан буён ҳам жуғрофий, сиёсий жиҳатдан кенгайиб бориши учун имкони бўлган ҳамма ишни қилади. Инсониятнинг жаҳон ҳалқлари оиласи ҳар бир аъзосининг ҳуқуқларини ҳурмат қилишга асосланган зўравонликсиз, уйғун жаҳоншумул тартибга ўтиши муаммоларини ҳал этишга ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшамиз.

1992 ИИЛ 8—10 ИЮЛЬ

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов шу йил 8—10 июль кунлари расмий ташриф билан Финляндияда бўлди. У бошлиқ делегация Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг йиғилишида иштирок этди. 9 июль куни И. А. Каримов кенгаш минбаридан нутқ сўзлади. Иккинчи куни эса ушбу буюк нуфузли кенгаш мажлисига раислик қилди. Ўзбекистон Президенти ўз нутқида жумладан шундай деди:

...Ўзбеклар диёрининг буюк алломалари Беруний, Ал Хоразмий, Ибн Сино, Улуғбек юлдузлари Европадаги илм-фан осмонида порлаган эди. Европалик буюк саёҳ Марко Поло, машҳур француз маърифатчиси Монтескье ўзбеклар диёрига бағишлаб асарлар ёзишган.

Ҳозирнинг ўзидаёқ Осиё ва Европадаги бир қанча мамлакатларнинг ҳамкорлиги билан бу соҳада жуда жиддий амалий қадамлар қўйилди. Собиқ Ипак йўли бўйлаб коммуникациялар ва алоқаларни, ҳаво, темир йўл ва тош йўллардаги қатновни ривожлантириш ҳар томонлама маданий ҳамкорликни авж олдириш учун сарфланаётган куч-ғайратларни ҳам назарда тутяпман. Мана шу ишларда кўпгина мамлакатларнинг эзгу хоҳиш иродаси нақд бунёдкорлик натижаларини бермоқда.

Ҳозир ҳар бир кишидан ўзгаришларга шай бўлиб туриш ва биргаликда муҳолифликдан холи бўлган дунё сари илгарилаб боришга доир амалий чора-тадбирларни, сиёсий қатъиятни намойиш этиш талаб қилинади.

(Ўзбекистон — Финляндия ҳақидаги материалларни 3-саҳифада ўқийсиз).

• Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси— умумхалқ муҳокамасида

Газетамизнинг шанба сонида Ўзбекистон Республикасининг Конституция комиссияси таклиф этган Асосий Қонуни лойиҳаси эълон қилинди. Жумҳуриятимиз меҳнаткашлари бу тарихий ҳужжатни зўр мамнуният ва катта қизиқиш билан кутиб олдилар. Ўзбекистон тарихида биринчи марта Асосий Қонун лойиҳаси тайёр андозаларсиз, мажбурий йўналишларсиз ишлаб чиқилди. Аммо, бир нарса аниқ — унда энг демократик давлатларнинг Конституция яратишдек илғор тажрибаларидан фойдаланилди.

Лойиҳада ҳозирги ва келажак авлод олдидаги юксак масъулият, демократия ва ижтимоий адолатга садоқат, ҳалқаро ҳуқуқнинг умумий эътироф этилган қоидаларини тан олиш, инсонпарвар демократик давлатни барпо этиш тантанали равишда эълон қилинади. Хўш, бу қоидалар ва йўналишлар ҳужжатда изчил ёритилганми? Қандай қилса уни янада бойитиб, мукаммаллаштириш мумкин?

Газетамиз ўз саҳифаларида янги Конституция лойиҳаси муҳокамасини бошлар экан, ҳуқуқшунос мутахассислар, олимлар, знёлилар, партия ходимларидан, барча ва барчадан муҳокамада фаол иштирок этишларини сўрайди.

МУҲОКАМАГА МАРҲАМАТ, ДЎСТЛАР!

ТУШУНТИРИШ ИШЛАРИНИ БОШЛАБ ЮБОРДИК

Ниҳоят матбуотда мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси лойиҳаси эълон қилиниб умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Ҳамма қатори мен ҳам уни ғоят синчиклаб ўқиб чиқдим. Менда алоҳида таассурот қолдирган жойи — 33-моддада қайд этилганидек, «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар» деган сатрлар бўлди. Қайси жамиятда кўп партиялилик бўлса ўша ерда соғлом рақобат, сиёсий мусобақа бўлади, демак асосий мақсад — ҳалқнинг турмуш фаровонлигини ошириш учун кураш авж олади. Мен шунингдек «Ўзбекистон Республикасининг Президенти ўз вазифасини бажариб турган даврда сиёсий партияга аъзолигинй тўхтатиб туради», деган қайдларни ҳам тўла қўллаб-қувватлайман.

Ҳудудий партия ташкилотимиз райондаги ташаббускор партия ташкилотларидан бири сифатида танилган. Яқинда «Аҳолига ғамхўрлик —истиқбол мезони» мавзуида фуқаролар билан очиқ мулоқот ўтказгандик ва буни район партия кенгаши қўллаб-қувватлаган эди. Мулоқотга район ҳокими, район ташкилотларининг раҳбарлари, бошланғич партия ташкилотлари котиблари таклиф қилиндилар. Район раҳбарлари маҳалла аҳолиси томонидан берилган савол ва қўйилган талабларга жавоб бердилар, мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан тадбирлар белгилаш бўйича аниқ режалар тузиб чиқилди. Район партия кенгаши бу мулоқотда илгари сурилган вазифа ва режаларнинг бажарилишини ўз назоратига олгани ҳам бошланғич ташкилотимиз фахрланадиган ишдир.

Ҳозир партия ташкилотимиз Ўзбекистон Республикасининг Конституция лойиҳасини кенг халқ оммаси ўртасида ташвиқот ва тарғибот қилиш ишларини бошлаб юборди. Бунга фаол партия аъзоларидан иборат ташвиқотчи ва тарғиботчилар жалб қилинган. Лойиҳа билан танишиб чиққан аҳолида туғилган саволларга сира ҳам кечиктирмай жавоблар уюштиряпмиз.

Ш. МАРДИЕВ,
Пастдарғом район Чархин қўрғонидаги Бухори маҳалласи бошланғич партия ташкилоти котиби.

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТИМИЗНИНГ МУҲИМ БЕЛГИСИ

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳаси эълон қилинди. У жумҳуриятимизнинг ўзига хос ва мос мақсадларини ҳисобга олиб тайёрланган.

Ушбу ҳужжат амалдаги Ўзбекистон Конституциясидан фарқли бўлиб, кўпгина боблар ижодий ва бутунлай янги ёзилган. Шу боис лойиҳа илмий мазмунга, ҳуқуқий жиҳатдан чуқур маънога эгадир.

Сўз лойиҳа тўғрисида борар экан, баъзи моддаларнинг таҳририни тузатиш зарур, деб ҳисоблайман. Жумладан, 101-модданинг 2-қисмида «Вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокими Президент томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади», дейилади, фикримизча у **«Вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокими Президентининг тавсиясига асосан халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади»**, деб ёзилса, Конституциянинг умумий мазмунига — демократик, адолатли давлат тузилишига мос бўлур эди.

Лойиҳанинг 108 — 110 моддаларида айтилган Конституциявий суд тузиш жуда ҳам зарур эмас. Чунки, мустақил республиканинг ўзига хос қонунларини турмушга тўғри тадбиқ этишни назорат қилувчи органлар етарли, деб ўйлайман.

К. КОМИЛОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби.

ИНСОНПАРВАРЛИГИ МАЪҚУЛ БЎЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳаси кўпчилик қатори мени ҳам қувонтирди. Сабаби мустақил диёримиз демократия ва ижтимоий адолат қарор топган давлат барпо этиш йўлини танлаб олди. Танланган йўлдан собитқадамлик билан олға боришда ушбу Конституция ҳал қилувчи роль ўйнаши шубҳасиздир.

Лойиҳани ўқир эканман, биринчи навбатда унинг инсонпарварлиги менга маъқул бўлди. Мен тиббиёт ходимиман. Олийғоҳимизда турли миллат вакиллари малакали шифокорлар тайёрлаш, юрт бойлиги бўлган инсон саломатлиги йўлида бир жон, бир тан бўлиб хизмат қилишяпти.

Собиқ Иттифоқнинг парчаланиши натижасида юз бераётган ўзаро низолар ҳақида, айрим давлатлар хусусан Болтиқбўйи мамлакатларида инсон ҳуқуқларини камситувчи қонунлар, норматив актлар қабул қилинганлиги тўғрисида матбуотдан ўқиган, телевидениедан кўрган бошқа миллатга мансуб касбдошларимнинг кўпчилиги хавотирда эди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси лойиҳаси уларнинг хавотирликларини тарқатиб, кўнгилларида хотиржамлик уйғотди. Асосий Қонун лойиҳасининг бешинчи боби, ўн саккизинчи моддасида **«Барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, дини ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар»**, деган сўзлар кўпчиликни дилидаги гаплардир.

Бундан ташқари тўққизинчи бобнинг қирқ еттинчи моддасидан катта қониқиш ҳосил қилдим. Унда айтилишича, **«Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбур»**. Дарҳақиқат ўзимиз яшаётган заминни, ичаётган сувимизни, нафас олаётган ҳавони талаб даражасида сақлаш инсоний бурчимиздир.

Хуллас, республикамиз Конституцияси жамиятимиз аҳолисини ривожланган давлатларда яшовчилар каби эркин, фаровон ҳаёт кечиришларини таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиздир. Шунинг учун ҳам лойиҳани мен тўла қўллаб-қувватлайман.

Файзулла ИБРОҲИМОВ,
Тошкент 1-тиббиёт олий билимгоҳи доценти, тиббиёт фанлари номзоди.

ФИНЛЯНДИЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ МАУНО КОЙВИСТОНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

ХУШ КЕЛИБСИЗ, МАУНО КОЙВИСТО ЖАНОБ ОЛИЙЛАРИ

Бугун Ўзбекистон Республикасига Финляндия Республикасининг Президенти Мауно Койвисто бошчилигида шу республика делегацияси расмий дўстлик ташрифи буюради.

Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати ва ўзбек халқи юқори мартабали меҳмонни олқишлар эканлар, Финляндия ва Ўзбекистон раҳбарлари ўртасида олий даражада ўтадиган музокаралар мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликка иккала давлат халқларининг бахт-саодати йўлида янги омил бахш этади деб ишонади.

ФИНЛЯНДИЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ

Мауно Хенрик КОЙВИСТОнинг ТАРЖИМАИ ҲОЛИ



Мауно Койвисто 1923 йил 25 ноябрда дурадгор Юхо Койвисто оиласида дунёга келди. М. Койвисто ўқиди ва шу билан бир вақтда ишлади. 1949 йилда етуклик шаҳодатномаси учун имтиҳон топширди. Мауно Койвисто биринчи марта 1982 йилда ва иккинчи марта 1988 йилда Финляндия Республикасининг Президенти этиб сайланди.

1948-1951 йиллар — Туркуда дурадгор, ҳаммол ва порт ишлари идорасининг бошлиғи бўлиб ишлади.

1951-1953 йилларда — халқ мактабида ўқитувчи бўлиб ишлади.

1953 йилларда — фалсафа номзоди ва фалсафа лицензиати даражаси берилди.

1954-1957 йилларда — касб танлаш масалалари бўйича маслаҳатчи бўлиб ишлади.

1956 йилда — докторлик диссертациясини ёқлади.

1958 йилда — Хельсинки ишчилар жамғарма банкининг директори.

1959-1967 йилларда — Хельсинки ишчилар жамғарма банкининг бошқарувчи директори.

1966-1967 йилларда — ҳукумат давлат кенгашининг аъзоси.

1968-1982 йилларда — Финляндия банки бошқарувининг раиси.

1972 йилда — молия вазири бўлиб ишлади.

1968-1970, 1979-1982 йилларда — Финляндия Республикасининг Бош вазири.

1947-1982 йилларда Финляндия социал-демократик партиясининг аъзоси.

1957 йилда — Турку шаҳрида шаҳар вакили бўлди.

1978 йилда — республика Президентини сайлашга вакил бўлди.

1970-1982 йилларда — «Постипанкки» банки бошқарувининг раиси.

1971-1982 йилларда — «Мортгейж бэнк оф финлэнд лтд» банки бошқарувининг раиси.

1970-1982 йилларда — «Тервакоски» акционерлик жамияти бошқарувининг раиси.

1970-1982 йилларда — «Спонсор» акционерлик жамияти бошқарувчилар кенгашининг раиси.

1969-1982 йилларда — «Теоллист амисрахсто» акционерлик жамияти бошқарувчилар кенгашининг раиси.

1966-1969 йилларда — тиклаш ва тараққиёт халқаро банки бошқарувчилар кенгашида Финляндия вакили.

1970-1979 йилларда — халқаро валюта жамғармаси бошқарувчилар кенгашида Финляндия вакили.

1977 йилда — Турку университети ижтимоий-сиёсий фанлар бўйича докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

1978 йилда — Турку «Абоакадеми» швед университетининг тижорат фанлари бўйича докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

1983 йилда — Тампере университети докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

1986 йилда — Хельсинки университети ижтимоий-сиёсий фанлар доктори.

1987 йилда — Прагадаги Карлов университети ҳуқуқ фанлар доктори.

1988 йилда — Эспоода политехникум техника фанлари доктори.

1990 йилда — Хельсинки университети фалсафа доктори.

Мауно Койвистога Ватаннинг олий орденлари ва кўпгина хорижий орденлар берилган.

М. Койвисто 1968-1988 йилларда бешта китоб ёзган. Уларнинг баъзилари швед тилига ҳам таржима қилинган. Унинг «Йўлдаги босқичлар» китоби рус тилида нашр этилган (1987 йил). Бу китоб инглиз ва немис тилларига таржима қилинган.

М. Койвисто фин ва швед тилларидан ташқари инглиз, немис ва рус тилларида бемалол гаплаша олади.

Уйланган, рафиқасининг исми Теллерво Канкаанранта. Қизи бор, 1957 йилда туғилган, исми — Асси.

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Канаданинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Майкл Ричард Белл жаноблари мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиқларини топширди.

Элчи жаноблари Канада билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида дипломатия алоқаларининг ўрнатилиши Ўзбекистон ва Канада ўртасидаги муносабатларни тубдан янгилайди, деб умид билдирди.

Ислом Каримов Канаданинг қишлоқ хўжалиги ва саноати юксак даражада тараққий топган мамлакат эканини, айниқса, унинг халқаро иқтисодий алоқаларда юксак мавқега эгалигини алоҳида таъкидлади. Ҳудудий ва минтақавий жиҳатдан бир-биридан кескин фарқ қилувчи мамлакатларимиз ўртасида дипломатия алоқаларининг ўрнатилиши нафақат давлатлараро, балки қитъалараро муносабатлар ривожига ҳам ҳисса қўшади, деб ишонч билдирилди.

Ишонч ёрлиқларини топшириш маросимида Ўзбекистон ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Ф. Тешабоев ҳозир бўлди.

(ЎзА).

КАНАДАНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ

МАЙКЛ РИЧАРД БЕЛЛ

Квебек вилоятидаги Монреаль шаҳрида 1939 йил 27 январда туғилган.

Маълумоти — иқтисод бакалаври, 1961 йилда Қироллик университетини битирган.

1961—1962 йилларда — Саноат, савдо ва тижорат вазирлигида савдо комиссарининг ёрдамчиси.

1962—1965 йилларда — Канаданинг Ослодаги элчихонасида савдо бўйича учинчи, сўнгра иккинчи котиб.

1965—1969 йилларда — Лондондаги юқори комиссиянинг иккинчи котиби.

1969—1971 йилларда — Канаданинг Лима (Перу)даги элчихонаси савдо бўйича биринчи котиби ва консул.

1971—1975 йилларда — Канаданинг Мадриддаги (Испания) элчихонасида савдо бўйича маслаҳатчи.

1975—1977 йилларда — Молия кенгаши котибиятида шимол билан муносабатлар бўйича мутахассис, Оттава шаҳри.

1977—1979 йилларда — Саноат, савдо ва тижорат вазирлиги электрлаштириш ва электроника масалаларига доир сиёсат ва режалаштириш филиалининг директори, Оттава шаҳри.

1979—1981 йилларда — Москвадаги элчихонада савдо бўйича вазир-маслаҳатчи.

1981—1985 йилларда — Лимада элчи.

1985—1988 йилларда — Ташқи алоқалар ва халқаро савдо вазирлигининг Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси бўлимида вазир ўринбосарининг ёрдамчиси, Оттава шаҳри.

1988—1990 йилларда — Ташқи алоқалар ва савдо вазирлигида махсус лойиҳалар бўйича вазир ўринбосарининг ёрдамчиси.

1990 йилда — Москвада элчи.

1992 йил августда ўриндошлик асосида Канаданинг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган.

Уйланган, иккита фарзанди бор.

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги.

ПЛЕНУМ БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сурхондарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари тўртинчи пленуми ташкилий масалани кўриб чиқди. А. Э. Тўрақулов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан пленум уни вилоят кенгаши биринчи котиблиги вазифасидан озод қилди. Вилоят кенгашининг иккинчи котиби бўлиб ишлаб келаётган Х. Э. Эрматов кенгашнинг биринчи котиблигига сайланди. М. Зоиров вилоят кенгашининг иккинчи котиблигига сайланди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов пленумда нутқ сўзлади.

О. УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

И. А. КАРИМОВНИНГ «ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ» РИСОЛАСИНИ ЎҚИБ

ДАСТЛАБКИ ҚАДАМ



Юзлаб, минглаб миллатдошларимиз она-Ватан мустақиллигини кўришни орзу қилиб, ҳаётдан бевақт кўз юмдилар.

Республикамиз Президенти И. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» номли рисоласида ҳам бу ҳақда қимматли фикрлар бор. Унда Ўзбекистоннинг мустақилликни қўлга киритгунча амалга оширилган ишлар ва келажакда қилиниши лозим бўлган вазифалар белгилаб берилган. Агар унда таъкидланган ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий вазифалар амалга оширилса, турмуш тарзимиз ҳар жиҳатдан янада яхшиланиши шубҳасиз.

Рисоладаги фикрларни қўллаб-қувватлаган ҳолда айрим фикр-мулоҳазаларимни ўртоқлашмоқчиман. Аввало, халқимизнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш чораларини кўришимиз керак. Ҳозирги қийинчиликлар вақтинча деб ҳаммамиз ўзимизни овунтирмоқдамиз. Лекин нарх-наво юқорилашмоқда. Сабаби нимада деб ўйлаб қоламан. Давлат магазинларида айрим озиқ-овқат маҳсулотларини талон билан ҳам топиб бўлмайди. Бозорда эса нархи осмонда. Менимча, бугунги айрим ишбилармон — чайқовчилар фаолиятига чек қўйиш керак. Шаҳардан шаҳарга нарса ташиб, тирикчилик қилувчи кишилар кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Бу иқтисодий аҳволимизни қисман бўлса-да издан чиқаради. Халқ назоратчилари фаолиятини тубдан жонлантириш ҳаводек зарур.

Халқимизнинг иқтисодий аҳволини яхшиламасдан туриб тўлиқ мустақиллик ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бунинг учун эса Ўзбекистонда мустақил пул бирлиги бўлиши зарур, деб ўйлайман. Мустақил мамлакатни бошқарадиган кишиларнинг мустақил дунёқараши, маънавий оламини ҳам кенгайтириш керак. Бунинг учун эса таълим-тарбияни фақат қоғозда эмас, амалда тубдан яхшилаш зарур. Президентимиз айтганларидек миллий қадриятларни, анъаналарни, болалар боғчаларидан бошлаб ўргатиш, сингдириш керак. Бизда бир ёмон одат бор. Қисқартир деса бутунлай йўқотишади. Танла дейилса керакмас фанларни ҳам дастурга киритишади. Ўтган йили ижтимоий-сиёсий фанлар қисқартирилсин, деган кўрсатма берилди. Натижада қатор ижтимоий фанлар қисқартирилди. Ҳатто фалсафа фанидан бўлаётган давлат имтиҳони ҳам олиб ташланди. Бу менимча, кўр-кўрона қилинган иш. Фалсафа — инсон дунёқарашини олам, жамият ҳақидаги қарашларни шакллантирадиган фан. Фалсафа бутун олам, жамиятнинг ривожланиш йўлларини ўргатадиган, тафаккурни ривожлантирадиган фан. Греклар фалсафани бекорга донолик фани деган эмас. Менимча барча олий ўқув юртларида битириш имтиҳонига фалсафани яна киритиш зарур.

Бозор иқтисодиётига ўтилаётгани муносабати билан миллий одоб-ахлоқимиз ҳам бирмунча таназзулга юз тутди. Ҳалоллик, поклик, ҳақиқатгўйлик, ҳаёлилик, андишалик каби минг йиллардан буён халқимиз асраб-авайлаб келаётган инсоний фазилатларимиз кун сайин йўқолиб бормоқда. Бунинг сабаблари кўп. Аввало, биз «ривожланган социализм» кишилари гармоник жиҳатдан баркамол деб жар солдик. Қолаверса, жуда европалашиб кетдик. Ҳалол билан ҳаромнинг фарқига боролмай қолдик. Натижада маънавий қашшоқликка юз тутдик. Хайриятки, давлатимизнинг мустақил бўлиши билан миллий қадриятларимиз тиклана бошлади. Миллий шаън, ғуруримиз секин-аста қайтяпти. Шу жиҳатдан «Жаҳон маданияти тарихи» фанининг олий ўқув юртларига киритилгани жуда улуғ иш бўлди.

Р. МАҲМУДОВ,
фалсафа фанлари номзоди, Гулистон Давлат университетининг катта ўқитувчиси.

• *Оталарнинг дил сўзлари*

ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ

Жонажон Ўзбекистонимиз мустақиллик йўлига чиқиб олганининг иккинчи йили бошланди. Ўтган бир йилда бутун бир тарихий даврга жо бўлгудек катта ишлар амалга оширилганлигининг гувоҳи бўлдик. Бинобарин бу ишларда биз — кексалар ҳам баҳоли-қудрат қатнашиб, қўлимиздан келганича ёрдам бердик.

Халқимизда қари билганни пари билмайди, деган нақл бор. Бу катта яратувчилик ишлари энг аввало республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг оқиллик билан халққа суяниб, узоқни кўзлаб амалга ошираётган тадбирлари натижаси, деб тўла асос билан айта оламиз. Бизнинг бахтимиз шундаки, халқимиз ўз орасидан етилиб чиққан ва шунинг учун ҳам фақат халқнинг манфаатини кўзлайдиган, ҳамма вақт унинг хизматида бўлиб, юкини енгил қилаётган раҳбарга эришдик. Шу сабабли ҳам унинг турмушнинг ҳамма соҳаларида амалга ошираётган тадбирларини эл тўла қўллаб-қувватлаяпти. Халқ билан раҳбарнинг сўзи ва амалий иши бир ердан чиққан, бири иккинчисини тўлдирадиган жойдагина ҳамиша тинчлик, ҳамжиҳатлик, яратувчилик олдинги маррага чиқади. Оллоҳга шукурки, Ўзбекистонимизда ана шундай бўляпти.

Шундай ҳикоя қиладилар: бир сайёҳ дунёни кезиб юриб, халқи тинч-тотув, обод бир мамлакатга бориб қолибди. «Мен кўп мамлакатларда бўлдим, аммо сизларнинг юртингиздай ажойиб жойни сира кўрмадим. Бундай ободончиликнинг сабаби нимада?» — деб сўрабди у шу юрт оқсоқолидан. «Сабаби — аввало тинч-тотув яшаётганимизда, — жавоб берибди оқсоқол. — Тотувлик бўлган жойда эса тўқ-бадавлат турмуш ҳам, ободончилик ҳам бўлади».

Ҳа, бизнинг ҳам тинч-тотувлигимиз асосий бойлигимиз. Республикамизда осойишталик бўлса ҳамма орзу қилаётган бой-бадавлат турмушга ҳам албатта эришамиз. Биз кексалар эса ўғил-қизларимиз қаторида туриб давлатимиз мустақиллигини, фуқароларнинг тинч турмушини таъминлаш учун қўлимиздан келадиган ҳамма ишларни қиламиз, шу йўлда билим ва тажрибаларимизни сарфлайверамиз. Сирасини айтганда, ҳозир юрт юкини елкасига олиб меҳнат қилаётган ёшларимизни тарбиялаб, уларга тўғри йўлни биз кўрсатиб бермасак, бу ишни ким қиладди.

Ўрни келганидан фойдаланиб, яна бир айтар сўзимиз шуки, биз вилоятдаги барча фахрийлар номидан Республикамиз Президенти И. А. Каримовга ўта масъулиятли, халқпарвар фаолиятида катта муваффақиятлар, узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ ва бардамлик тилаймиз.

С. УСМОНОВ, Ф. РАҲМОНОВ, Г. ПАРАМОНОВ, И. ЖАЛИЛОВ, Э. ЖАЛОЛОВ, Ф. ҲАҚНАЗАРОВА, М. САМАДОВ, И. ВОРОБЕЙ, Ф. НАБИЕВ, А. ФАТТАЕВ, А. ШИПОРОВА, С. КАРИМОВ, С. АТАКОВ.
Қашқадарё вилоят фахрийлар кенгаши раёсатининг аъзолари.

• *ХДП ҳаётидан*

ҲУДУДИЙ ТАШКИЛОТ ТАШАББУСКОРМИ?

● Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши ижроия бюроси йиғилиши Жиззах шаҳар кенгашининг партия ташкилотлари тузилмаларини такомиллаштириш ва улар сафини мустаҳкамлаш борасидаги фаолиятини маъқуллади. Хўш, нисбатан қисқа вақт ичида шаҳар партия ташкилотлари фаоллари эътиборга молик қандай тадбирларни амалга оширдилар?

Шаҳар партия кенгаши аъзолари билан бўлган суҳбатларда, бошланғич партия ташкилотларидаги учрашувларда ушбу саволга жавоб изладим.

ТАШКИЛИЙ даврнинг ташвиши ҳамиша катта бўлади, деганларидек Ўзбекистон ХДП ташкил топгач мақсади, маслаги, эътиқоди бор кишиларни янги партияга бирлаштириш ғоят катта масъулиятни, зўр бериб ишлашни талаб этди. Ўз навбатида шаҳар партия фаоллари бу даврни ўзига хос тобланиш даври деб ҳисобладилар. Бунинг устига тезда республика Президентининг давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларини, халқ таълими соҳасини, маъмурий органларни партиядан ҳоли қилиш тўғрисидаги Фармони чиққач, ташкилий ишлар анча мураккаблашди, юмушлар ҳажми кенгайди.

— Очиғини айтиш керак, партиядан ҳоли этилган жамоалардаги аъзоларни тўғридан-тўғри турар жойлардаги партия ташкилотларига биркитиб қўйиш тажрибаси ўзини оқламади, — дейди шаҳар партия кенгашининг котиби Маматқул Иномов биз билан суҳбатда. — Шу боис анча изланишлардан кейин партия аъзоларини ҳудудий ташкилотларга бирлаштиришда уларнинг касб-корлари ҳамда иш характерлари инобатга олингани маъқул, деган қарорга келдик. Яъни шаҳар халқ таълими соҳасида ишлаётган 250 нафарга яқин партия аъзоларини «Тошлоқ» маҳалласи ҳудудий партия ташкилоти ўз ҳисобига олди. Ўрта махсус ўқув юртларидаги юзга яқин партия аъзолари эса «Жиззахлик» маҳалласи бошланғич партия ташкилотига бирлашдилар.

«Тошлоқ» маҳалласи ҳудудий партия ташкилотида 21 аъзодан иборат ижроия бюро тузилган. Котиб ҳам обрў-эътиборли, жамоат ишларида тажриба орттирган Мурод Шарипов экан. Унинг фикрига қараганда партия ташкилотининг ҳар бир йиғилиши ғоят ишчанлик билан ўтиб, қабул қилинаётган қарорлар салмоқли, эътиборли бўляпти.

Шаҳар партия кенгашида муаллимлар тайёрлаш олий гоҳи доценти Боймурод Султоновни учратиб қолдик. Хайрли ташвиш билан юрган экан. Ўзбекистон ХДП аъзоларига янги билетлар топширилаётган пайтда у яшаётган Х. Носиров кўчасидаги 7- ва 9-уйлардан 20 нафарга яқин киши ХДП сафига ўтиш истагини билдиришибди. Шу боис партия аъзолари янги бошланғич партия ташкилоти тузиш ташаббусини кўтаришибди.

— Менимча, бундай ташкилотчиликларни вақтида қўллаб-қувватлаш жуда ҳам муҳим, — дейди Б. Султонов. — Чунки сиёсий ташкилот халққа қанча яқин бўлса ҳаётни шунчалик яхши билади, аҳоли дардини тез тушунади. Рости, уй-жой-коммунал хўжалиги ўта қониқарсиз ишлаяпти. Арзимаган сабабларга кўра 7-уйда ярим йилдан буён иссиқ сув йўқ. Енгинамиздаги дўкондан талон орқали бериладиган маҳсулотларни тўлиқ ололмаймиз. Аҳолининг дардини эса деярли ҳеч ким эшитмайди. Ҳозирги жамоатчилик асосида ишлайдиган «домком»ларнинг боридан йўғи маъқул. Халқ сиёсий ташкилотнинг мададига, ҳозиржавоблигига ишонаяпти.

Жуда ҳам муҳим, асосли фикр. Халқ дардини тинглайдиган ана шундай кичик, аммо ташаббускор жамоалар бизнингча уй-жойлар хусусийлаштирилаётган бир пайтда айниқса зарур. Ахир ҳозир ўз вазифасини эплай олмаётган, аниқроғи эплашга интилмаётган аллақандай ЖЭК, ЖКО, ЖКУлар эртага ярми хусусийлаштириладиган, бир қисми давлат ихтиёрида бўладиган турар жойларнинг иссиқ-совуғидан хабар олармиди?

Бизнингча ҳозирги пайтда айрим жамоаларда қўлланилаётганидек, партия аъзолари бадалларини ойлик маошларидан «ушлаб қолиш» тажрибаси ҳам тўғри эмас. Ахир ҳар бир партия аъзосининг бошланғич партия ташкилоти билан алоқасини яққол кўрсатиб турадиган асосий далил ихтиёрий равишда ўз вақтида бадал тўлаш эмасми? Қолаверса, бадал тўлаш—ўзи бирлан бир сафда бўлган кишиларга ҳурмат, ўзи аъзо бўлган партияга эътибор рамзидир. Ойда бир марта бадал тўлашга вақт топмаган, ўзи ҳисобда турган партия ташкилоти билан алоқада бўлмаган партия аъзоси халққа, партияга қандай наф келтириши мумкин?

Ҳайдарбек Абдужабборов маҳалласида 5 аъзодан ташкил топган ҳудудий партия ташкилоти қисқа даврда ўз сафини 19 нафарга етказди. Котиб — вилоят кенгаши ноиби, шаҳар ҳокимининг ўринбосари Маҳкам Юсупов ҳар бир партия аъзосини хоҳиш-истаги, қобилиятига қараб жамоат топшириғи билан таъминлади. Кишилар дардини тинглаш, қалбига қулоқ солиш, тўю маъракасида бирга бўлиш натижасида партия ташкилотининг келгуси вазифалари ўз-ўзидан ойдинлаша борди. Жумладан, ҳозирги бозор иқтисодиёти жараёнида каттакичик маъракаларни ўтказишда қатъий тартиб лозимлиги маълум бўлди. Оқсоқоллар билан бўлган суҳбатлардан сўнг алоҳида тадбирлар ишлаб чиқилди. Ижроси эса Пўлат Ортиқов, Эркин Султонов, Баҳром Ризаев, Қудрат Қурбонов каби фаолларга юклатилди. Эндиликда маҳалладаги ҳар бир хонадон тўй-томошасини бошлашда ХДП бошланғич партия ташкилоти маслаҳатига, ёрдамига суянмоқда. Софдил, обрў-эътиборли кишилар бош бўлган маъракаларнинг тартибли, намунали, ортиқча чиқимларсиз ўтиши азалдан маълум. Яқинда вилоят ҳокимияти маҳаллада «Маҳалла ва жамоатчилик» мавзуида семинар-кенгаш ўтказганида иштирокчилар ХДП бошланғич ташкилотининг ташаббускорлиги, жанговарлигини яққол ҳис этдилар.

Жиззах шаҳар партия кенгашининг июль ойида бўлиб ўтган ижроия бюро мажлисида республика Президенти, Ўзбекистон ХДП Раиси И. А. Каримовнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган фармонлари бажарилишида бошланғич партия ташкилотлари олиб бораётган ишлар муҳокама этилди. Ҳудудий партия ташкилотларининг салмоқли фаолияти алоҳида таъкидланди. Яқин келажакда «Наврўз», «Улуғбек», Охунбобоев номли, «Равалиқ», «Оққўрғонлик», «Иттифоқ» маҳаллаларида янги ҳудудий партия ташкилотлари тузиш лозимлиги қайд этилди. Вазифалар белгиланди. Аммо бир қарорга келгунча кўп тортишувлар, фикр алмашишлар бўлди. Ҳар бир партия ташкилоти тузилмаси хусусида, уларнинг сафини мустаҳкамлаш борасида қизғин мунозаралар бўлаётгани эътиборга моликдир. Зеро ҳозирги пайтда Ўзбекистон ХДПнинг қуйи бўғинлари фаолиятини ташкил этиш, уларга раҳбарликни уюштириш хусусида турли фикрлар мавжуд. Муҳими — тўғри, керакли йўлни танлай билишда, халқ манфаати йўлида ҳар қандай салбий кўринишларга қарши оқилона кураша билишда. Ўша йўлни топиш учун эса тинмай изланиш зарур. Ана шунда ҳозир бошланган ижобий ҳаракатлар изсиз кетмайди.

Б. САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА ҚАБУЛ

26 сентябрь куни Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Абдулҳошим Муталов Туркия миллий таълим вазири Кўксал Топтан ва унинг ҳамроҳларини қабул қилди.

Дўстона суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Туркия, Туркия Миллий таълим вазирлиги билан Ўзбекистон Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ўртасидаги ҳамкорлик ривожланиб бораётганидан мамнунлик билдирилди. Шу ҳамкорлик самараси ўлароқ бу йил Туркияда 2 минг нафар ўзбекистонлик ёшлар таълим олади.

Туркия Ўзбекистон учун халқаро дипломатия, менежер ва маркетинг соҳасида малакали мутахассислар тайёрлаб беришдан ташқари, ёшларимизнинг турк тилини ўрганишига ҳам кўмаклашмоқда. Республикамизнинг кўпгина шаҳарларида, жумладан, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Наманганда Туркия лицейлари очилди. Туркиянинг «Евроосиё» телевизион кўрсатувларида дўст мамлакатда таҳсил олаётган ўзбек ёшларининг фаолиятини ёритишга ҳам ўрин берилади, деб умид билдирилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев ва Туркиянинг Ўзбекистондаги элчиси Вулқон Чўтур иштирок этдилар.

Туркиялик маорифчилар Самарқанд ва Бухорога сафар қилдилар.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ НАЗОРАТИ ҚЎМИТАСИДА

Президент фармонлари қандай бажарилмоқда?

●Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат назорат комитети Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Президентнинг аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашга қаратилган фармонларини қандай бажараётганини текширди.

Текширув натижасида халқ таълими идоралари мактаб ўқувчилари, талабалар ва халқ таълимида ишловчи барча ходимларнинг ижтимоий аҳволини яхшилашга доир фармонларни бажариш юзасидан жойлардаги ҳокимликлар билан ҳамкорликда талайгина ишларни амалга оширгани маълум бўлди. Бироқ айрим халқ таълими идораларининг мудирлари ва ҳокимликларнинг раҳбарлари бу борада сусткашликка йўл қўяётгани ҳам аниқланди.

Ўзбекистон Президентининг давлат ва ташкилотлар ҳисобидаги уй-жойларни шахсий мулкка айлантириш тўғрисидаги Фармонига мувофиқ шу кунга қадар 62 минг 806 нафар халқ таълими ходими яшаб турган уй-жойини ўзиники қилиб беришни сўраб ариза топширган. Улардан 29 минг 154 нафарининг илтимоси қондирилган, холос. Сурхондарё вилоятида 7 минг нафар ўқитувчининг истиқомат жойлари шахсий мулкка айлантирилиши керак эди. Шулардан 1 минг 773 нафарининг талаби ҳалигача қондирилмаган. Музработ ва Денов районларида бу иш, айниқса, пайсалга солинмоқда.

Юқоридаги камчиликлар Самарқанд вилоятида ҳам учради. 2 минг 294 нафар ўқитувчи-мураббийга уй-жой ва томорқа ажратилмаган. Жиззах вилоятида уй-жой ва томорқа сўраб ариза берган 6 минг 137 нафар ходимнинг 1 минг 232 нафари, Бухоро вилоятида ариза берган 3 минг 615 нафар маорифчининг 611 нафари илтимосига қониқарли жавоб ололмаган. Хоразм ва Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида Президент фармонларини бажаришда нуқсонлар йўқ эмас.

Юқоридаги Фармоннинг ўқитувчиларга томорқа ва қурилиш ашёлари ажратиш тўғрисидаги банди ҳам бажарилмаяпти. Сурхондарё вилоятида халқ таълими ходимларидан навбатда турган 339 нафар, Бухоро вилоятида эса 771 нафар ўқитувчининг илтимоси инобатга олинмаган. Қорақалпоғистонда томорқа учун навбатга турганларнинг 1 минг 202 нафаридан атиги 796 нафарининг талаби қондирилган.

Давлат назорат комитети ходимлари ўтказган текширувлар Халқ таълими вазирлигида қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши пухта назорат қилинмаслигини кўрсатди. Вазирлик ҳайъатининг 1991 йил 26 мартдаги қарорида Наманган вилояти халқ таълими бошқармасида Президент Фармонлари суст бажарилаётгани таъкидланган. Орадан шунча вақт ўтганига қарамай, аҳвол ўзгармаган. Уй-жой учун берилган 2 минг 993 аризадан 784 таси ҳал этилмаган. Чуст районида 104 аризадан 75 таси, Поп районида 416 аризадан ярмиси инобатсиз қолдирилган. Ўқувчиларни имтиёзли овқатлантириш ачинарли аҳволда. Мактабларнинг ошхона ва буфетларида зарур жиҳоз ва идиш-товоқлар етишмайди. Ошпазлар болаларнинг ҳақидан уриб қолиш билан овора.

Халқ таълими вазирлиги ҳайъатининг 1991 йил 8 сентябрдаги қарорида Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармасининг ўқитувчиларнинг ижтимоий-маиший шароитини яхшилаш борасидаги ишлари талабга мутлақо жавоб бермайди, деб ҳисобланган. Лекин бу борада ўзгариш бўлгани ҳалигача сезилмаяпти. Давлат уйларида яшовчи 4 минг 174 нафар ўқитувчидан 2 минг 196 нафарининг уйи шахсий мулк қилиб берилмаган. Уйга навбатда турган 1 минг 306 нафар ўқитувчидан 81 нафарининг талаби қондирилган, холос.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат назорат комитетининг текширув якунлари жойларда муҳокама этилиб, тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат назорат комитети республика Халқ таълими вазирлигига, унинг шу иш билан шуғулланувчи штабига бошқа вазирликлар ва вилоят ҳокимликлари билан ҳамкорликда Президент фармонларининг бажарилишини жиддий назорат қилиш, шахсий қилиб бериладиган уйларнинг нархини келишиб, ўқитувчилар имтиёзини кўзда тутиш, мактаб ошхоналарини зарур жиҳозлар билан етарли таъминлаш, ота-оналарнинг ижтимоий аҳволига қараб республика бюджетидан ўқувчиларнинг 50 фоизли имтиёзли овқатланиши учун ажратилган пулни уларга нақд тўлаш имкониятини излаш вазифасини юклади.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигига (ўртоқ Ж. Йўлдошев) Президент фармонларининг ижроси тўғрисида республика Давлат назорат комитетига ҳар йили икки марта ахборот бериб туриш топширилди.

(ЎзА).

ХАЛҚ ИЧИДА, ХАЛҚ БИЛАН БИРГА

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ҲОЗИРГИ ВАЗИЯТДА ТАРҒИБОТ, ТАШВИҚОТ ИШЛАРИНИ КЕНГ ҚУЛОЧ ЕЗДИРМОҚДА

Кенгаш биноси ҳар куни келиб-кетувчилар билан гавжум. Уларнинг бир қисми тайёр материаллар ва йўналиш олиб районларга, қишлоқларга йўл олса, бошқа бир бўлаги олимлар, шифокорлар, талабалар иштирокида давра суҳбатида қатнашади. Партия ташкил топганлигининг бир йиллиги муносабати билан ўтказилаётган тадбирлар ғоявий-сиёсий аҳамият билан меҳнаткашлар эътиборини тортмоқда.

Шу мавзудаги давра суҳбатида таъкидланганидек, янги нусхадаги билетларни топширишдек сиёсий тадбир партия ҳаётида муҳим роль ўйнади. Халқ демократик партияси вилоят кенгашининг биринчи котиби С. Нишонов, Самарқанд шаҳар кенгашининг биринчи котиби Р. Юсупов, партия режаларини оғишмай амалга ошириш, сафларни мустаҳкамлаш, омма билан алоқани кучайтириш, адолат йўлидаги курашни кенг қулоч ёйдириш хусусида мазмунли чиқиш қилдилар. Яна бир давра суҳбати жумҳурият Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобига бағишланди. Самарқандлик олимлардан Ф. Ҳайдарова, Ҳ. Бегматов, Ш. Пиримқулов, М. Абрамов, Ф. Жўраев ва бошқалар ушбу рисоланинг ғоявий-сиёсий ҳамда тарихий аҳамиятини юксак баҳоладилар.

Суҳбат давомида тожик ва ўзбек халқлари дўстлиги ҳақида ҳам сўз юритилди.

— Олимлар ва бошқа фаоллар ўша куниёқ меҳнат жамоаларига жўнаб кетишди, — дейди кенгаш котиби Б. Шермуҳамедов. —Улар И. Каримов китобининг баёнини кенг омма ўртасида тарғиб этмоқдалар.

Дарвоқе шаҳар партия кенгаши Самарқанддаги барча маҳаллаларда дўстлик тарғибот клубларини ташкил этди. Халқ оқсоқоллари бу ишга бош-қош бўлаётир.

Вилоятдаги ўрта махсус ва олий ўқув юртларида ҳам партия сиёсати ўз кучини кўрсатмоқда. Яқинда ҳудудий партия ташкилотлари котиблари билан бўлган учрашувда техникумлар, олий ўқув юртлари раҳбарлари ҳам қатнашдилар. Улар олимлар ва ёшлар турмушида партия ташкилотлари катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар.

Вилоят партия кенгашининг биринчи котиби С. Нишонов илмий зиёлилар ва студент ёшларнинг вилоят ижтимоий ҳаётидаги ролига юксак баҳо бериб, уларнинг вакилларини Халқ демократик партиясига қабул қилиш ва ҳудудий бошланғич ташкилотларга жалб этиш жуда зарур вазифалардан бири эканлигини таъкидлади.

Ф. ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН—ФИНЛЯНДИЯ: МАҚСАДЛАР МУШТАРАК

ХОЛИСЛИК ЙЎЛИДА

Матти КЛИНГЕ,

фалсафа доктори, Хельсинки университетининг профессори.

70-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб фин иқтисодиёти ижобий равишда ривожланиши Финляндиянинг хориждаги обрўси нуқтаи назаридан катта аҳамиятга эга. Финляндия ўтказаётган қўшилмаслик сиёсати худди унинг жаҳонда эгаллаб турган ҳолати сингари ҳар доим ҳам чет элдагилар учун тушунарсиз қолар эди. Президент Кекконен даврида чет мамлакатлар билан маданият ва иқтисодиёт соҳаларидаги кенг ҳамкорлик бу ерга кўплаб меҳмонлар келишига имкон берди. Улар Финляндияни ўз кўзлари билан кўриш ва ҳаёти билан танишиш ниятида келар эдилар. Кекконен ўз меҳнатлари мевасини кўра олди. 1975 йилда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича кенгаш ўтказилиб, 35 та мамлакат давлати ва ҳукуматининг раҳбарлари Якунловчи ҳужжатга имзо қўйдилар. Бу Финляндия пойтахти номини халқаро рамзга айлантирди, табиийки, Финляндиянинг халқаро майдонидаги ҳолатини яхшилаш нуқтаи назаридан катта аҳамиятга эга бўлди.

Финляндияда бошқа мамлакатлардаги сингари урушдан кейинги авлодлар 50-йилларда мактабга, 60-йилларда университетлар ва бошқа ўқув юртларига ўқишга кирдилар. Айни шу даврда идеология ва ахлоқ соҳасида рўй берган бурилиш жуда тезкор тус олди, боз устига, бу шаҳарларнинг кенгайиши билан бир пайтга тўғри келди. Олий мактаб соҳасида ўша пайтдаёқ марказдан қочириш бўйича катта дастур амалга оширилиб, ундан кейин талабалар сонини чеклаш бўйича қаттиқ сиёсат юргизилди. Консенсус даври руҳига мос илмий ва маданий ҳаётнинг мўътадиллиги шароитида 70-йилларда жамиятнинг таълим тизмасида, шунингдек, илмий тадқиқот ишлари соҳасида «фойдали» ва амалий фанларга устунлик бериш кайфияти ҳукмрон бўлди. Бироқ маънавий қадриятларни ҳимоя қилиш ҳақида жаранглаган овозлар туфайли 80-йилларда фин маданий ҳаётида яна тағин ўз теран томирларига, Европага хос классик қадриятларга эътибор берила бошлади.

Президент Кекконен 1962, 1968, 1974 ва 1978 йилларда такрор-такрор ўз лавозимига сайланди. У ўзи мансуб бўлган Деҳқонлар партиясидан ташқари, аввалроқ сўл партиялар, кейинчалик ўнглар, охир оқибатда қарийб барча йўналишлардан мадад олган эди. Соғлиғи ёмонлашгандан сўнг 1982 йилда Президент лавозимига Мауно Койвисто сайланди. У бу пайтгача Социал демократик партиядан кўрсатилган бош вазир эди. Ўни нафақат ўз партияси, балки халқ демократларининг бир қисми ва кўп сонли социалист бўлмаган кишилар қўллаб-қувватлашган эди. Унгача ҳеч ким мамлакатдаги вазият меъёрида сақланиб турган шароитда Президентликка сайланиб шундай кўпчилик овозини олмаган.

Финляндия ҳамиша буюк давлатлар билан муносабатлардаги кескинликни юмшатиш, кичик мамлакатлар мустақиллигини мустаҳкамлаш ишида кўмаклашишга интилиб келган. У доимо ўз миллий маданияти ва иқтисодиётининг аҳамиятини, фаол ташқи сиёсат ва мустаҳкам қуролли кучлари аҳамиятини таъкидлайдики, бу биринчи даражали масалаларнинг долзарблигини Финляндиядаги барча гуруҳлар яхши тушунадилар ва маъқуллайдилар. Бироқ бошқа ҳамма кичик мамлакатлар сингари Финляндия халқаро сиёсий ва иқтисодий ҳаётдаги тезкор тебранишларга боғлиқдир. Узоқ муддатли режаларда ҳам, маданият тараққиётининг умумий йўналишларида ҳам нисбатан фаровонлик даражасига қарамасдан Финляндияда муайян миллий маҳдудлик белгиси остида ўтган оғир замонларнинг сабоқларини эсдан чиқаришмайди.

ИШОНЧ КЎПРИКЛАРИ

Агар йўлингиз тушиб бу қишлоққа келиб қолсангиз акбароботликларнинг «Бизнинг қишлоқни жаҳон билади» деган гапларидан ҳайратга тушасиз. Аҳолининг мамнунияти бежиз эмас. Ҳақиқатан ҳам Акбарободни ҳозир камида Овруپо билади. Яна ҳам равшанлаштирсак, Финляндия танийди. Водийнинг бу чекка қишлоғида қурилган мебель корхонамизнинг истиқболга юз очиши ҳеч кимнинг хаёлига келмаган эди.

Замоннинг зайли билан жамоамизнинг омади кулиб боқди. Финляндиянинг машҳур «КУЛАКУРНИ ТАЙДЕН О У» фирмаси билан яқин ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйдик. Иккала томоннинг ҳам манфаатини тўла ҳимоя қилувчи шартнома белгиладик. Ўтган йилнинг бошида финляндиялик ишбилармонларнинг очиқ кўнгил билан меҳнат жамоамиз билан шерикликкa қўл чўзгани, ишларимизни жаҳонга танитишга йўл очгани ҳаммамизни қувонтири.

1990 йили республикамизнинг нуфузли идоралари фабрикамизни ташкил этишни қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаганларида қўлимда муҳрдан бошқа ҳеч вақо йўқ эди. Тезда ишлар юришиб кетди. Акбарободда мебель фабрикаси қад ростлади. Мебелсозларнинг янги ишчан жамоаси юзага келди. Ўндан зиёд мебель маҳсулотларимиз талабчан харидорлар уйларини безади.

Ҳозирги кунда янгиликсиз яшаб бўлмайди. Фабрика қурилишини кенгайтириш, замонавий илғор технология билан қуроллантириш, замонавий мебеллар ишлаб чиқариш биз учун юксак вазифага айланган. Уни уддалашимизга финляндиялик ҳамкорларимизнинг ҳам ҳиссалари сингмоқда.

Уларнинг амалий маслаҳат, бой тажрибаларига асосланиб корхонамиз шуҳратини ошириб боришга ҳаракат қиляпмиз. Бундай кескин фикрга келишимизга асос бор: Финляндияда ишлаб чиқарилаётган ёғоч кроватни тайёрлашни жамоамизда ўзлаштирдик. Бу янги маҳсулот йил бошида «Дўстлик» номи билан истеъмолчилар эътиборини тортди.

Қўшма корхонамизда тайёрланган икки кишилик шинам кароватлар келин-куёвларга мўлжалланган. Бундан ташқари хилма-хил кроватлар, уч қисмли кўзгу ойналар, суянчиқли диван, юмшоқ ўриндиқ, стул ва ёғочдан тайёрланган бошқа буюмлар кўплаб ишлаб чиқарилмоқда.

Жаҳон иқтисодиёти тажрибасидан келиб чиқиб, мол айирбошлаш усулини қўллашимиз ишлаб чиқариш тараққиётини жадаллаштирмоқда. Масалан, қўшни Тошлоқ райони ҳокимияти билан келишиб, пахта хом ашёси юбориш эвазига финлардан илғор технологик дастгоҳлар оламиз. Ўзаро самарали ҳамкорлик ишончли шериклик бурчларини бошқаришга боғлиқ.

Яқин ойларда Финляндиянинг 30 дан зиёд дастгоҳлари ишлаб чиқариш участкаларимизни эгаллайди. Бу илғор технологияни ўргатиш ва кадрларимизни тажрибасини оширишга ҳам фин ишбилармонларининг ўзлари ёрдамлашишади. Улар билан тузган шартномамизда буни ҳамкорларимиз зиммаларига олишган.

Мебелсозларимиз ҳар икки томон ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва уни янада бойитиш, Финляндиянинг илғор технологиясини иш жойларимизда кўпайтириш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Иш суръатларини оширишмоқда. Сифатли маҳсулотлар тайёрлашни кўпайтиришяпти. Бу икки халқ ўртасидаги ишонч кўприкларини мустаҳкамлигидан нишона. Вақти келиб бизнинг интилишимиз, меҳнат-ғайратимиз ва финляндияликларнинг беназир ёрдамлари туфайли бизни жаҳон танийди.

М. УЛУҒОВ,
Акбаробод мебель фабрикасининг директори. Фарғона вилояти Қува райони.

ПАХТА ОРТГАН КАРВОНЛАР

Олтинкўллик 240 теримчи «Ўзбекистон овози»га обуна бўлди

● Андижон вилоятининг Олтинкўл районида 1993 йил учун рўзнома ва жаридаларга обуна қизғин тус олди. «Коммуна» жамоа хўжалиги пахтазорларида бир кунда «Ўзбекистон овози»га 150 та обуна варақаси тўлдирилди. Хўжаликнинг Юсупжон Ҳалилов бошлиқ бригадаси ижарачиларидан 12 нафари «Ўзбекистон овози»га обуна бўлдилар.

Шунингдек, райондаги Фозилжон Қўчқоров номли жамоа хўжалигида «Ўзбекистон овози»га — 50 та, «Ҳақиқат» жамоа хўжалигида — 20 та, «Туркистон», Ленин номли жамоа хўжаликларида эса 10 тадан обуна қилинди. Қуйида олтинкўллик пахтакорларнинг ибратомуз ишлари ҳақида ёзилган лавҳани эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Таниқли пахтакор, «Коммуна» жамоа хўжалигининг бригада бошлиғи Асалхон Расулова: — Ҳар бир терим мавсуми ҳаётимда гўё илк мавсумдек туюлади, — деди.

Унинг гапида жон бор. Бундан бир неча йил аввал у бошлиқ бригада гектар бошига 30 центнердан ошириб ҳосил олиб, ўз хўжалигидагина эмас, бутун Олтинкўлда пешқадамлардан ҳисобланарди. Энди бўлса бригада жамоаси 38 центнерлик маррани кўзлаб турибди.

— Бундай мўл ҳосил етиштиришнинг ўзи бўлмайди, — дейди уста пахтакор. — Ёз бўйи жазирама офтобда тер тўкдик. Кўп вақтимиз пахта майдонида ўтди. Ҳосил йиғим-теримини уюшқоқлик билан бошладик. Ҳар куни уч фоиз ва ундан ошириб пахта тайёрлаяпмиз. Ҳозироқ йиллик режанинг учдан икки қисмини уддалаб қўйдик. Гулсара Исломова, Саида Ҳамдамова бошлиқ оилавий ижарачилар ҳар гектар ердан 30 центнер ўрнига 32 центнердан хирмон кўтаришди. Уларнинг мўлжали 40 центнер!

Жамоа хўжалиги бўйича 30 та оила пудрати пахта тайёрлаш йиллик режасини бажарди. Ёқубжон Мирзаҳмедов бошлиқ бригада ҳам маррага яқинлашиб қолди. Лолахон Ҳакимова, Озодахон Расулова, Мўътабархон Қодирова ва бошқалар бугунгача ўз этакларидан 3,5 тоннадан зиёд пахта тўкдилар.

Мустақиллик йилида пахтачиликда қандай ўзгаришлар рўй берганлигини ҳар бир деҳқон кўриб турибди. Ўтган йили режадаги пахтанинг беш фоизи ва режадан ортиқча тайёрланган пахтанинг ҳаммаси пахтакорларга инъом қилингани яхши бўлди.

— Пахтакорларимиз бундан 8 миллион сўм қўшимча даромад олдилар, — дейди жамоа хўжалиги бошқарув ҳайъати раиси Мамажон Ҳамроев. — Бу йил эса режадаги пахтанинг 15 фоизи ва режадан ортиқча пахтанинг ҳаммаси деҳқонларга бериладиган бўлди. Бу ғамхўрлик пахтакорлар ғайратига-ғайрат қўшди. Ҳозир вақтни бой бермай пахтани тез ва тоза териб олиш асосий ишдир.

Раисдан тортиб, хўжалик фаолларигача, бригада бошлиқларидан тортиб, теримчиларгача бу вазифани уддалашларига аминдирлар. Бу мавсум хўжалик даласига 700 дан ортиқ теримчи чиқди. Ҳар бир теримчи хирмонга ўртача 94 килограммдан пахта тўкяпти. Теримчиларнинг ҳоҳиши бўйича бир килограмм пахтага бир сўм нақд пул беріляпти. Улар кузда мўмайгина пул олиш ниятида шундай тўхтамга келдилар.

Хўжалик меҳнаткашлари бу йил режадаги 30 центнер ўрнига 35 центнердан пахта берамиз, деб туришибди. Бир кунда уч фоиздан пахта топширіляпти. Йиллик режа ярмидан оширилди.

— Муддаомиз октябрь ойининг биринчи ярмида ғалаба маррасига етишдир, — дейди Мамажон Ҳамроев, — Ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил олган ижарачи 6,2 минг сўм, ҳосилдорликни 35 центнерга кўтарган ижарачи 8 минг сўм, 40 центнерга етказгани эса 16 минг сўм қўшимча пул олади. Ҳамма шунга интиляпти.

...Олтинкўлда мўл ҳосил учун мусобақа оммавий тус олди. Бу йил улар Андижон хирмонига салкам 23000 тонна пахта тўкамиз дейишяпти. Район меҳнаткашлари пахта тайёрлаш бўйича уюштирилган мусобақада Андижон вилоятида пешқадамлик қилиб турибди. Ҳар куни йиллик режанинг уч фоизи ва ундан кўпроғи миқдорида пахта топширіляпти. Куйбишев номли жамоа хўжалигида кунлик ўсиш олти, Навоий номли, «Коммунизм», «Олтинкўл», «Мадиёробод» жамоа хўжаликларида уч фоиздан зиёд пахта топширилаётгани тўғрисида хабарлар келиб турибди.

● Олтинкўл пахтакорлари билан мулоқотимиз сўнгида биз район ҳокими Назиржон Саидов қабулида бўлдик. У рўзномамизга бўлган тилакларини баён қилиб деди: «Кейинги пайтда рўзномада босилган материалларнинг таъсирчанлиги, ранг-баранглиги ортди. Айниқса, Мустақиллик ва Шароф Рашидов ҳақидаги туркум мақолалар, «Шакар операцияси, «Асакада автомобиль туғилмоқда, Номини сиз қўйинг, муштарий!»; «Қувасойда ҳоким ўзгарди» каби материаллар кўпчиликнинг эътиборини тортди. Вилоят янгиликларига кенг ўрин берилаётгани ҳам яхши. «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА 100 ТА ОБУНА ҚИЛИШНИ РЕЖАЛАШТИРИБ ҚЎЙДИК. Оддий кишилар ҳақида тез-тез рўзномангиз орқали чиқишларни умидворлик билан кутамиз...».

Анорбой ҚУРОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ФИНЛЯНДИЯ—ШИМОЛИЙ ДИЁР

Мамлакат ҳақида қисқача маълумот

● Финляндия Европанинг шимолида жойлашган бўлиб, унинг майдони 337 минг квадрат километрга тенг, Россия, Норвегия ва Швеция билан чегарадош. Иқлими мўътадил, шу кенгликда жойлашган бошқа мамлакатлардагига нисбатан анча илиқ.

● Аҳолиси 5 миллион киши (93,6 фоиз— финлар, 6,1 фоиз шведлар), учдан икки қисми шаҳарларда истиқомат қилади. Ҳар квадрат километрга ўртача 16,4 киши тўғри келади. Расмий давлат тиллари сифатида фин ва швед тиллари амал қилади. Пойтахти—Хельсинки шаҳри. Бу ерда қарийб ярим миллион киши яшайди.

● Финляндиянинг давлат мустақиллиги 1917 йил 6 декабрда эълон қилинган. У парламент республикаси ҳисобланади. Давлат бошлиғи олти йил муддатга сайланадиган президентдир. 1982 йил январдан бери Финляндия Республикасининг Президенти Мауно Койвистодир. У 1988 йили иккинчи муддатга қайта сайланган.

● Финляндия юқори тараққиётга эришган индустриал мамлакатдир. Аҳоли жон бошига миллий даромади жиҳатидан (26 минг америка доллари) жаҳонда дастлабки ўринлардан бирини эгаллайди. Меҳнат ресурслари хизмат кўрсатиш соҳасида 59 фоизни, саноат ва қурилишда 31 фоиз, қишлоқ ва ўрмон хўжалигида 10 фоизни ташкил қилади. У мамлакат ичига четдан бирмунча камроқ маҳсулот олиб, кўпроқ четга маҳсулот чиқаради.

МАЙДОН ҚИСҚАРСА-ДА, ҲОСИЛ КЎПАЯДИ

Гагарин районида шоли бултургига нисбатан 700 гектар майдонга кам экилди. Лекин районда бултургидан етти минг тонна кўп шоли етиштириш мўлжалланмоқда. Ҳосил чўғи яхши!

Унинг яхши бўлгани, тўғриси, ўрим бошлангандан сўнг равшанлашди. Масалан, «Искра» давлат хўжалигининг директори Парда Худоёров бу йил 12 минг тонна шоли етиштирамиз, деган ваъдасига орадан икки кун ўтиб тузатиш киритди.

— 14 минг тоннага етказамиз, деди.

Демак, ҳар гектарнинг ҳосилдорлигини 60 центнерга етказишни чўтламоқдалар.

«Правда» давлат хўжалиги шоликорлари ҳам режани бажарсак бўлди, қолган ташвиш бошимиздан соқит, деб қўл қовуштириб туришаётгани йўқ. Бор ҳосил хирмонга тушиши керак. Хирмон обод — дастурхон обод, дейдилар.

Мутахассисларнинг фикрича, бу йил вилоятдаги тўққиз минг гектарда етиштирилган ҳосил тўла йиғиштириб олинса, вилоят гуручга бўлган эҳтиёжини ўзи таъминлай олади. Техника тайёргарлиги намунали йўлга қўйилган.

Вилоят матлубот жамияти шоликорларнинг даладаги нонуштаси учун чой, пахта мойи, шакар билан таъминлашни зиммасига олди.

Шоли ўрим-йиғими қизғин давом этмоқда.

О. УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● ХОРАЗМ

ЯНГИ ҲОСИЛ ЧИГИТИДАН ЁҒ ОЛИШ БОШЛАНДИ

● УРГАНЧ ёғ-мой комбинати жамоаси мустақиллик йили ҳосилидан олинган чигитдан ёғ ишлаб чиқаришга киришди.

Корхонанинг бу муҳим тадбир учун ихтисослашган цехи дастлабки 800 тонна чигитни қайта ишлади. Олинган ёғ 150 тоннани, шелуха ва кунжара эса бир неча юз тоннани ташкил этди.

Комбинат замонавий юксак технология воситалари билан жиҳозланган бўлиб, Хоразм деҳқонлари жорий йилда етиштирадиган 310 минг тоннали «оқ олтин» ҳосилидан олинадиган чигитни қайта ишлаб, ундан кўп миқдорда сифатли ёғ, кунжара ва шелуха ишлаб чиқаришга қурби етади.

Эркин МАДРАҲИМОВ.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

● НАМАНГАН

ҚИШЛОҚ—ШАҲАРГА БОЗОР НАРХИДАН АРЗОН

Ўтган дам олиш кунлари Наманган вилоятида иккинчи маротаба ҳосил байрами ўтказилди. Вилоятдаги барча хўжаликларнинг деҳқонлари ўзлари етиштирган ноз-неъматларни шаҳарликлар дастурхонига тортиқ қилишди. Картошка, пиёз, олма, узум, қовун-тарвуз каби сабзавот ва мевалар бозор нархидан қарийб 50 фоиз арзон сотилди.

— Ҳосил байрамига хўжалик далалари ва боғларида етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиб келдик, — дейди «Ўнинчи беш йиллик» давлат хўжалиги директори Мирзадавлат Отажонов. — Бозорда олма 15—20 сўм бўлса, биз 8 сўмдан сотдик. Бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳам арзон нархда харид қилишга имкон яратилди. Аммо боғбону деҳқонларимиз шаҳардан ўзлари учун бирор буюмни сотиб олишда ўйланиб қолишади. Бойси, костюм-шимлар уч ярим минг сўм бўлса, бошқа саноат молларининг нархи ҳам осмонда экан. Бир мулоҳаза туғилади: қани энди шаҳарликлар ҳам ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни далаларга олиб бориб, арзонроқ нархларда сотишни йўлга қўйишса...

Ҳақиқатда бу гапда жон бор. Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги азалий муносабатларни яхши йўлга қўйиш ҳар томонлама манфаат келтириши ҳаммага аён. Бундай ўзига хос саъй-ҳаракатни давом эттириб, ишчилар билан деҳқонлар ўртасида ўзаро алоқадорликни янада яхшилашга имкон топилса, айни муддао бўлади.

Абдуҳошим МАДАТОВ.

ҚАРИЯЛАР МАМНУН

Тарихан таркиб топган миллий ва маънавий қадриятларни эъзозлаш, халқимизнинг энг яхши удум ва анъаналарини кенг оммалаштириш маҳаллалар ўртасида маданий ва маърифий ишларни йўлга қўйиш, кам таъминланган оилалар, ногиронлар, етимларга ва ёлғиз қолган қарияларга нисбатан меҳр-шафқатли бўлиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳалла» хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги Фармони айни муддао бўлди. Шаҳрихонлик қариялар, айниқса бу ишдан жуда мамнун. Кейинги пайтларда маҳаллий ҳокимият раҳбарлари қарияларни тез-тез йўқлаб туришибди, уларга зарур ёрдамларини аямаяптилар. Оқсоқоллардан маслаҳат олиб туришади.

СУРАТДА: (чапдан ўнгга) маҳалла вакиллари Солижон Худойбердиев, Ваҳобжон Акрамов, шаҳар ҳокими Маҳамаджон Қурбонов, Абдурайим Қаюмов, Абдуманноп Эргашев, Ғанижон Йўлдошевлар маҳаллаларда олиб борилаётган ишлар хусусида суҳбатлашмоқда.

Х. АРАББОЕВ олган сурат.

● МУХБИРИМИЗ БОНГ УРАДИ ●

ВАГОНДАН ТУШИРИЛМАЙ ҚОЛГАН ЮК КИМНИКИ?

Айни куз. Ўлкамизда қишки мавсумга тайёргарлик қизғин бормоқда. Айниқса, қиш-қировли кунлар ташвиши билан юрган кўпгина корхона, ташкилот ва хўжаликларнинг тадбиркор раҳбарлари зарур хом ашё ва маҳсулотларни ўз вақтида ғамлаб қўйиш тараддудида бўлишмоқда. Шу боис ҳам уларга тегишли юклар темир йўл станцияларида туриб қолаётгани йўқ.

Бироқ Ўрта Осиё темир йўл бошқармасининг ортиш-туширыш бўлинмаси бошлиғи Г. Н. Хомякованинг таъкидлашича, бунинг акси бўлаётган ҳоллар ҳам кўплаб учрамоқда. Темир йўл станцияларида кузнинг ғанимат кунларида минглаб тонна юклар ортилган вагонлар юкдан бўшатилмай туриб қолмоқда. Темирйўлчилар юк эгаларига вақтида етсин, дея сим қоқиш билан овора. У ёки бу маҳсулот эгаси бўлган айрим корхона ва ташкилотлар раҳбарлари эса пинагини бузишмаяпти.

Мана, мисоллар билан танишиб, ўзингиз хулоса чиқаринг: республика Энергетика ва электрлаштириш вазирлигига қарашли корхоналар 4—5 кундан буён 322 цистерна мазут ёнилғини туширыб олмаяпти. Биргина Фарғона иссиқлик электр маркази раҳбарларининг айби билан тонналаб тақчил ёнилғи очиқ ҳавода туриб қолмоқда. Ушбу ТЭЦга тегишли 210 вагон мазут «Тўрақўрғон» темир йўл станциясида қантариб қўйилган. Сирдарё ва Тахиатош ГРЭСлари маъмурларининг бепарволиги ҳақида ҳам худди шундай фактларни айтиш мумкин. Уларга қарашли юклар ёнилғи сақлаш омборлари етишмаслиги туфайли ҳафталаб темир йўл цистерналарида турибди.

Шуни ҳисобга олиб, жумҳурият ҳукумати ушбу вазирлик корхоналарига август ойининг охиригача қўшимча ёнилғи сақлаш омборлари қуриб битказишни топширганди. Афсуски, кўп жойларда бунга улгурилмади. Натижада Россиядан эски нархларда (маълумки, шу йилнинг 22 сентябридан Россияда ёнилғи нархлари оширилди) сотиб олинган мазутлар вагонлардан ўз вақтида туширилмасдан қолмоқда.

Аҳоли учун энг зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини туширыб олишда ҳам шу ҳолат юз бермоқда. Айниқса, гўшт, ёғ ва ун маҳсулотларининг ўз вақтида истеъмолчиларга етиб бормаётганлигидан темирйўлчилар ташвишга тушишяпти. Ахир халқ учун зарур бўлган ушбу маҳсулотлар бир неча кунлаб вагонларда қолиб кетяпти-да. Юк эгаси бўлган корхона ёки ташкилот раҳбарларининг эса парвойи фалак. Ўзингиз ўйланг, «Шумилово» темир йўл станциясида 4 вагон-рефрижератор гўшт 21 сентябрдан буён туширыб олинмаса-ю, юк эгаси бўлган Тошкент шаҳар матлубот жамиятидагилар лом-мим демай ўтираверишса! Бепарволикнинг ҳам чеки бордир. Матлубот жамияти раҳбарлари эса маҳсулот айнимасдан истеъмолчилар қўлига етишини ўйлашмаяпти.

Дарвоқе, айнан шу станцияда «Сигнал» кичик корхонасига тегишли бир цистерна пахта ёғи 21 сентябрдан буён эгасига интиқ. Қашқадарё вилоятидаги «Нишон» темир йўл станциясида қарийб тўрт кундан бери шу атрофдаги нон маҳсулотлари комбинати учун мўлжалланган икки вагон ун туширыб олингани йўқ. Жиззахдаги «Зарбдор» станциясида эса «Ўзбекдон» концернига тегишли базанинг икки вагон уни 19 сентябрдан буён станция чеккасига чиқариб қўйилган. Сурхондарё вилоятининг «Сариосиё» темир йўл станциясида ҳам 4 вагон ун уч-тўрт кун ўтаётган бўлсада, эгасини кутиб турибди.

Шу ўринда таъкидлаш лозим: хулосаларга қараганда юк ортиш-туширыш ишига Сурхондарё вилоятидаги корхона, ташкилот ва хўжаликлар раҳбарлари панжа орасидан қарашяпти. Бу ердаги темир йўл станцияларида фақат сентябрь ойининг кейинги йигирма куни ичида 1270 вагон юк ўз вақтида туширилмасдан қолди. Айниқса, деҳқонлар учун айни мева-сабзавот пишиқчилиги даврида асқотадиган яшикларнинг вагонларда туриб қолиши ачинарли ҳолдир. Аслида деҳқон уни тезда олиб, ҳосилни жойлаши ва шартнома асосида истеъмолчиларга сотиши керак.

Ваҳолонки, «Хайробод», «Хўжасоат», «Денов» темир йўл станцияларида «Узплодоовошвинпром» концернининг Сурхондарё вилоятидаги ташкилот ва хўжаликларига тегишли вагон-вагон яшиклар уч-тўрт кундан буён эгаларини кутмоқда.

Вилоятдаги темир йўл станцияларида ёғоч-тахта, цемент, кўмир, мазут, озиқ-овқат маҳсулотлари ортилган юзлаб вагонлардаги юклар белгиланган муддатда туширилмасдан бекор турибқолмоқда. Афтидан, вилоятда айрим раҳбарлар халқ ғамини ейишдан кўра, кўпроқ ўз тинчини ўйлашяпти. Агар халқ манфаати уларни қизиқтирганда эди, вилоят меҳнаткашлари учун мўлжалланган юклар бир неча кунлаб вагонларда қолиб кетмасди. Ҳали ҳам вақт бор. Фурсат ғаниматида имконият қамчисини босиш керак.

Умуман, эндиликда темир йўлда юк ортиш-туширыш ишига масъулият билан қараш лозим. Негаки, Ўзбекистонга ташилаётган маҳсулотларнинг асосий қисми қанча қийинчиликлар эвазига МДҲ давлатларидан катта маблағ эвазига сотиб олиняпти. Энг ёмони, кимларнингдир айби билан бу маҳсулотлар истеъмолчилар қўлига ўз вақтида етиб бормаяпти. Бунинг устига юк ташишда қўл келадиган ўнлаб-юзлаб вагонлар бекор туриб қолмоқда.

Темир йўл назорати ходимларининг фикрича, юкни муддатида туширыб олмаганларга нисбатан иқтисодий жавобгарлик чораларини кучайтириш керак. Эски Иттифоқ ҳукумати даврида қабул қилинган жарима ундириш қоидалари ҳозир иш бермай қолди. Ўтган саккиз ой ичида юкни вақтида туширыб олмаганликлари учун корхона, ташкилот ва хўжаликлар темирйўлчиларга 154 миллион 550 минг сўмлик жарима тўлайдиган бўлишди.

Хўш, бу пуллар кимнинг чўнтагидан тўланади? Албатта, айбдор раҳбарлар жарима пулларини ҳеч иккиланмасдан меҳнат жамоаси ишлаб топган фойдадан ажратишлари аниқ. Ачинарлиси, ўртада яна оддий меҳнаткаш абгор бўлиб қолаверади. Шундай экан, мустақил республикамизда темир йўл транспортининг ушбу муаммосига жиддий ёндашилиб, таъсирчан чора-тадбирлар қўллаш маъқул.

Аслиддин БОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

● ҚАШҚАДАРЁ

ХОРИЖИЙ ЎЗБЕКНИНГ ДЎКОНИ

● ХОРИЖИЙ мамлакатларда яшаб, ишбилармонлик билан шуғулланаётган ўзбеклар она юртлари — Ўзбекистонда ҳам савобли ишларни қилмоқдалар.

Асли қаршилик бўлган Сирожиддин Нажимий она юрти учун яхшилик қилиш орзусида эди. Унинг ҳиммати билан Қаршининг эски шаҳар бозорида хорижий тижорат дўкони очилди. Унга «Сирожиддин Саид Нажимий—Нажимисис Корпорейшн АҚШ дўкони» деб ном берилди. Бу ерда савдо-сотиқ қизғин. Америка, Япония ва бошқа мамлакатларда тайёрланган буюмларни харид қилиш мумкин. Сирожиддин она диёри учун хайрия мақсадида икки юз минг сўм ажратди.

— Фирманинг президенти Сирожиддин Нажимий бегона эмас, — дейди Қарши шаҳар ҳокими Музаффар Маҳмудов, — у ҳамюртимиз, Қаршида сармоядор ва эътиборли кишилардан ҳисобланган Ҳожи Абдулазизнинг набираси. Замона зайли билан 30-йилларда хорижга кетиб қолган. Англия, Америка Қўшма Штатлари ва бошқа мамлакатларда истиқомат қилган Сирожиддин Нажимий ўзи туғилган юртга хизмат қилмоқчи экан, бу эътиборга лойиқдир.

Мусо КАРОМОВ.

● ХОРАЗМ

ЧОЙ ҚАДОҚЛАШ КОРХОНАСИ

● РЕСПУБЛИКАДА хизмат кўрсатган саноат ходими Тельман Мусаев директорлик қилаётган ёғ-мой комбинати юксак ишлаб чиқариш қувватларига эга бўлган корхоналардан бири ҳисобланади.

Яқинда корхона маъмурияти Ҳиндистоннинг «Карсан интернационал» фирмаси билан Урганчда қўшма корхона бунёд этиш режасини тузди. Ўзаро келишувга мувофиқ комбинатнинг эски биноси таъмирланиб, махсус технологик ускуналар ўрнатилди ва чой қадоқлаш ишлари йўлга қўйилади. Қўшма корхонани Ҳиндистон фирмаси етарли миқдорда хом-ашё билан таъминлаб туради. Шунга ўхшаш шартнома ҳужжати Голландиянинг «Фафса БВ» фирмаси раҳбарияти билан ҳам имзоланди. Бу корхона ишга туширилгач, бир неча юз минг тоннадан кўпроқ чойни қадоқлаш мумкин бўлади.

Эркин МАДРАҲИМОВ.

● БУХОРО

ЯНГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТЛАРИ

● Ремонт заводида олмани кесиш ва қуритиш бўйича механизациялаштирилган линия ишга туширилди. Унинг қуввати соатига 3 тонна маҳсулотдан иборат.

Ремонтчилар шахсий деҳқон хўжаликлари учун мўлжалланган ана шундай линиянинг ихчам нусхасини ҳам созладилар. Бу ерда соатига беш килограммдан маҳсулот чиқариш мумкин. Нархи эса уч баробар арзон. Бундай линиялар мева-сабзавотчилик хўжаликлари учун қўл келмоқда.

Когон районидаги «Гулистон» давлат хўжалигида эса консерва цехи ишга туширилди. Ҳозирча кунига минг дона шартли банка маҳсулот тайёрланмоқда. Ундан ташқари хўжалик тегирмонининг ишга туширилиши ҳамқишлоқларни беҳад қувонтирди. Шу кунларда виночилик цехини барпо этишга ҳаракат қилинмоқда. Бу цехнинг ускуналари Грузиядан келтирилади. Хўжалик шу йилга мўлжалланган 34 миллион сўмлик даромаднинг 4 миллионини ана шундай ишларга сарфламоқчи.

Нусратулла НАИМОВ.

● ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ XI ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИ ОЛДИДАН

Ёқуб АҲМЕДОВ:

УЧ ҚИТЪА КЎЗГУСИ

● Узбек кинематографиясининг намуналари сифатида Халқаро кинофестиваль қатнашчилари ва меҳмонлари даврасида намойиш этиладиган асарлар орасида Тошкентдаги «Имон» киностудиясида кинодраматург ва режиссёр Жасур Исҳоқов раҳбарлигида экранлаштирилган «Кетма» бадиий фильми ҳам бор. Картинанинг муваффақиятида ундаги асосий роллардан бирини ижро этган севимли театр ва кино актёри, Халқ артисти, Давлат мукофотларининг соҳиби Ёқуб Аҳмедовнинг ҳиссаси катта.

Мухбиримиз таниқли санъаткор ҳузурида бўлиб, ундан уч қитъа кино кўриги кунлари кўрсатиладиган янги фильм, шунингдек, кинофестиваль ҳақидаги мулоҳазалари билан ўртоқлашишни илтимос қилди.

— Аввал кинофестиваль ҳақида гапираман, — дейди Ёқуб Аҳмедов. — Қарийб чорак асрдан буён жонажон юртимизда муваффақиятли ўтказилиб келинаётган бу анжуманнинг аҳамияти ниҳоятда улкан. Биз бугунги кунда бемалол, баралла овоз билан айта оламизки, у Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари халқларини фаоллик билан бир-бирларига яқинлаштирди, дўстлаштирди. Эзгу мақсад йўлидаги курашларда уларни ҳамфикр ва ҳамнафас қилди. Азалдан бор, давом этиб келаётган ўзаро ижодий алоқа ва ҳамкорликни ривожлантирди, кучайтирди, янгиларига асос солди. Тинчлик, ижтимоий тараққиёт ва халқлар озодлиги учун кураш мавзуи уч қитъа кинематографиясида кескин кучайган экан, бу биринчи навбатда Тошкент анжуманининг шарофатидандир. Унинг қутлуғ шиори, даъватлари туфайлидир.

Тошкент кинофестивали туфайли бир мамлакат киножамоатчилиги иккинчи юртдаги ҳамкасблари ижодий ишлари билан мунтазам танишиб борадиган бўлди. Айни вақтда ўз асарлари хусусида хорижлик дўстларининг малакали, холис фикрларини эшитяпти. Худди шу ерда назарга тушган фильмлар кўп ўтмай бутун дунё экранларига йўл олаётганлигини айтмайсизми!

Уч қитъа анжумани туфайли юртдошларимиз, санъатсевар халқимиз ҳар икки йилда дунёнинг турли бурчакларида бўлаётган ижодий изланишлардан, кинематографиядаги янгиликлардан, машҳур кинорежиссёрлар ва киноюлдузларнинг янги ишларидан муттасил хабардор бўлиб турибди. Бундай имконият қайси республикада бор?!

Ҳа, биз ўз кинофестивалимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Лекин унинг масъулиятини ҳам, мезбонлик ташвишларини ҳам унутганимиз йўқ. Киночи дўстларимиз қаторида биз, театр арбоблари ҳам ҳар бир анжуманни кўнгилдагидай, бекаму-кўст ўтказиш учун бурчлимиз. Кинофестиваль кунлари чет эллик дўстларимизга энг яхши спектакларимизни кўрсатиш билан бирга анжумандан-анжумангача бўлган даврда яратилган фильмларимизни ҳам намойиш этамиз. «Кетма» бадиий фильми ана шундай асарлардан.

Фильм бир қатор мароқли бадиий картиналарнинг асосини ёзиб берган, томошабинларга, халқимизга яхши таниш бўлган иқтидорли кинодраматург Жасур Исҳоқов сценарийси бўйича экранлаштирилди. Картина режиссёри ҳам кинодраматургнинг ўзи. «Имон» киностудиясининг илк асари сифатида санъат мухлисларига ҳавола қилинган «Кетма» бадиий фильми бир оила ташвишлари, саргузаштлари мисолида ҳозирги кун учун ғоятда долзарб бўлган тарбия мавзуи ҳақида ҳикоя қилади. Фильмда мен ота — Ҳафизов ролини ижро этганман. Унинг рафиқаси сиймосида актриса Гулчеҳра Жамиловани кўрасиз. Қизимиз образини умидли актриса Асал Хўжаева талқин қилган. Картинадаги бошқа ролларни Бахтиёр Қосимов, Зуҳриддин Режаметов, Баҳром Матжонов ва бошқалар ўйнашган.

«Кетма» бадиий фильмининг қимматли томонларидан бири шундаки, у бугунги ўзбек киносидаги янгиликларни, характерли изланишларни рўй-рост кўрсатади. Энг муҳими, унда тақлид йўқ. Замонавий ўзбек оиласига ўзига хос чизгилар бўлган бу асар хорижлик дўстларимизга, ҳамкасбларимизга маъқул бўлса, ўз ишимиздан қониқиш ҳосил қилган бўлур эдик.

Довруқли кинофестивали мизга янги ютуқлар тилайман.

СУРАТДА: Жасур Исҳоқовнинг «Кетма» бадиий фильмидан бир кўриниш, Фотима Ҳафизова ролида — умидли киноактриса Асал Хўжаева. Суратка ш Ольга ГУБЕНКО.

● РЕДАКЦИЯМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

«СЎҒДИЁНА» ҚИЗЛАРИ ПАРВОЗИ

СУРАТЛАРДА: «Сўғдиёна» регбичилари ҳамда жамоанинг мутасадди раҳбарлари.

Суратка ш В. МОЛГАЧЕВ.

БАДАВЛАТ юртнинг довруғи, дунё миқёсидаги нуфузини ортишида миллат ифтихорига айланган олиму—уламолар, адибу—шоирлар, саркардаю — қўшиқчилар ҳамда мард полвонларнинг шуҳрати муҳим омил саналади. Истиқлол нафасидан баҳраманд Ўзбекистонда мустақилликнинг иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш билан бирга турмушимизнинг маънавий жиҳатларига ҳам эътибор берилянти. Мустақиллик шароитида «Эл соғлиғи—юрт бойлиги» қабилида хайрли тадбирлар амалга оширилмоқда. Собиқ «марказ»дан ажралиш спорт соҳасида қийинчиликларни юзага келтиради деган гаплар пучга чиқмоқда. Вакилларимизнинг олимпиадаларда мувафаққиятли қатнашиши, азим Тошкентнинг навбатдаги олимпиадани ўтказиб беришга даъвогар бўлиб тургани ютуқларимиздан нишонадир.

Куни кеча яна бир хушхабар тарқалди. Редакциямизга ташриф буюрган «Сўғдиёна» регбичи қизлар жамоасининг мутасаддилари «Осиё» лигаси МДҲ биринчилигини муддатидан олдин ғолибона якунлашганлигини маълум қилишди. Меҳмонлар ўзлари билан регбичи қизлар қўлга киритган совринлар ва суратларни олиб келишган эди. «Сўғдиёна» жамоасининг таркиб топганига эндигина икки йил бўлди. Зеро, шу қисқа даврда бу жамоа ўзини кўрсата олди. Бунинг боиси бор. Бозор иқтисодиёти шароитида моддий манфаатдорлик жиҳатдан қийналиб турган спорт жамоалари кам дейсизми? «Сўғдиёна» эса ўзига мададкор ажойиб ҳомийларни жалб қила олди. Чунончи, техника фанлари доктори, профессор Шавкат Абдуллаев президент бўлиб турган «Бассойл композит ЛТД» Ўзбекистон—Америка қўшма корхонаси, хўжалик ҳисобидаги илмий ишлаб чиқариш «Фан» маркази регбичиларга ҳомийлик қилмоқда. Биргина қўшма корхонанинг ўзи йилига бир миллион икки юз минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатмоқда.

«Ҳамза» спорт-соғломлаштириш марказининг директори Владимир Кокаревнинг таъкидлашича, «Сўғдиёна» қизларининг машқ қилишлари, учрашувларни ўтказишлари, кийим-кечак билан таъминланиш, овқатланиш ва сафар юмушларини амалга оширишда асосий таянч вазифасини ўтаётган экан. Регбичилар устози Олег Галкиннинг фикрига қараганда, жамоада умидли спортчилар камол топмоқда. МДҲ биринчилиги учун курашда олти жамоа иштирок этган. «Сўғдиёна» қизлари Тошкент, Толдиқўрғон, Новокузнецк ва Олмаота шаҳарларида ўтказилган учрашувларни муваффақиятли якунлаб, жами 44 та очко жамғаришди.

Регбичи қизлар ва мутасадди-мутахассислар яна бир хайрли ишга қўл уришмоқда. Улар «Осиё» лигаси кубоги учун якунловчи мусобақани ажойиб инсон ва давлат арбоби Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига бағишлаб, у кишининг порлоқ хотирасини ўзига хос нишонлашга ҳозирлик кўришмоқда. Омадинг келиб, ғалаба сенга ёр бўлаверсин «Сўғдиёна» қизлари!

АФАНДИНИНГ ВАТАНИГА ҚАЙТИШИ

● НОДИР ДЕВОНБЕГИ атрофида масжиду мадрасалар бунёд этилганидан буён бундай қаҳқаҳаларга гувоҳ бўлмаган бўлса керак. Хурсандчиликнинг боиси Хўжа Насриддин афандининг Бухорога мажозий қайтиши бўлди. Бухороликлар уни карнай-сурнайлар садоси остида зўр хушнудлик билан кутиб олишди.

С. Айний номидаги вилоят музикали драма ва комедия театрининг қобилиятли артисти Зайниддин Каримов Афанди қиёфасида эшагига миниб, оёқларини ликиллатганича ҳовуз атрофида тўпланган минглаб томошабинларнинг қарсаклари остида майдонга кириб, ўзига қўйилган ҳайкал ёнида тўхтади.

Кулги куни истеъдодли ёзувчи ва журналист Умид Сатторовнинг ҳажвий афсонаси асосида театр ижодий жамоаси саҳналаштирган «Насриддин афанди» спектаклидан парча намойиш этиш билан бошланди. Янги анъананинг ташаббускори «Муштум» журнали таҳрир ҳайъати бўлди. Унга ҳаёт бағишлашда Ўзбекистон Республикаси адиблар иттифоқи, вилоят ҳамда Бухоро шаҳар ҳокимлиги, вилоят маданият бошқармаси ва бухороликлар кулги мухлислари жонбозлик кўрсатишди. Кулги кишиларга кучқувват бағишлаб, келажакка ишонч уйғотмоқда. Бухоро шаҳар ҳокимлигининг янги анъанани жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилгани ҳам шундан.

● *Янгича анъаналар*

Шаҳар ҳокимининг муовини Мухтор Ғуломов кулги шинавандаларини янги байрам билан қизғин муборакбод этди. Ҳажвчи ёзувчиларимиз Саид Аҳмад билан Неъмат Аминов ҳам йиғилганларни қутлашди. Бухороликлар маҳаллий ва вилоятлардан келган қизиқчиларнинг чиқишлари, вилоят филармонияси ва халқ этнографик дасталарининг лапар ва қўшиқлари томошабинлар кўнглини ром этди.

Кулги байрами кун бўйи давом этди. Шу куни Лабиҳовуз бўйида қадимий раста тикланиб, савдо ходимлари беминнат хизмат кўрсатишди. Бепул ош тортилди. Миллий спорт ўйинлари ташкил этилди.

Байрамни ўтказишда Бухоро шаҳри ва Бухоро райони ҳокимлиги, вилоят марказидаги пахта тозалаш ва ёғ тинитиш заводлари, таксомотор корхонаси тадбиркорлари ҳомийлик қилиб, катта мукофотлар белгилашди.

Н. НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

● АКС-САДО: И. А. КАРИМОВНИНГ «ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ» РИСОЛАСИНИ ЎҚИБ

● ЭРКИН ВОҲИДОВ ИЖОДХОНАСИДА

● ФОТИМА АБДУЛЛАЕВА: ҲАБИБ АБДУЛЛАЕВ ҲАҚИДА ХОТИРАЛАР

● ГАЗЕТХОНЛАР ИЛТИМОСИГА КЎРА: «ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ» ВА УНГА ЗАМОНАВИЙ ШАРҲ

● «ҚИЗЛАР БАЗМИДАН ЧИҚҚАН ҚОТИЛЛИК»

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТИНИНГ ЖАРЧИНОМАСИ

ДИЁР
TRADING HOUSE САВДО УЙИ

АГАР СИЗДА ЭРКИН МУОМАЛАДАГИ ВАЛЮТА БЎЛСА ВА СИЗ МАЪҚУЛ НАРХЛАРДА ХОРИЖДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ЭНГ ЯХШИ МОЛЛАРНИ ХАРИД ЭТИШНИ ИСТАСАНГИЗ БУНИНГ УЧУН АЛБАТТА ЧЕТ ЭЛГА БОРИШИНГИЗ ШАРТ ЭМАС

«Ўзбекбирлашув» қошидаги қўшма акционерлик «Диёр» савдо уйи магазинлари сизнинг дидингизга жавоб берадиган кенг кўламда хилма-хил озиқ-овқат ва саноат маҳсулотларига эга.

«Диёр» ўз имкониятларидан келиб чиқиб, мустақил ҳолда чет эл фирма ва компаниялари билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиб, мижозлар, тадбиркорлар, ишбилармон кишилар, Ўзбекистондаги элчихоналар ва савдо ваколатхоналари хизматчиларининг ҳар қандай буюртмаларини қисқа муддат ичида бажаради.

ҲАҚ — НАҚД ТЎЛАШ ВА ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН ОЛИНАДИ

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Усмон Носир кўчаси, 30 «А» «Диёр» магазини.
Тошкентдаги телефон: 54-19-87.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

1992-1993 ўқув йили учун кундузги ва кечки тайёрлов бўлимига

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Кундузги тайёрлов бўлимга ўрта мактабни тугатган 34 ёшдан ошмаган, кечки бўлимга ёши чекланмаган халқ хўжалигининг ҳамма соҳасида ишловчи ишчилар, хизматчилар, колхозчилар меҳнат стажидан қатъий назар ташкилот ва корхоналарнинг шартномаси асосида қабул қилинади.

ТАЙЕРЛОВ БЎЛИМИ ҚУЙИДАГИ ФАКУЛЬТЕТЛАР БЎЙИЧА ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

математика, амалий математика, физика, геология, география, химия, биология, агрохимия ва тупроқшунослик, ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, тарих, журналистика, фалсафа (фалсафа, руҳшунослик, социология мутахассислиги бўйича), иқтисод (сиёсий иқтисод иқтисод ва ишлаб чиқаришни бошқариш, халқаро иқтисодий муносабатлар мутахассислиги бўйича).

Тайёрлов бўлими тингловчиларни кириш имтиҳони бўйича ўтказиладиган тестга тайёрлайди.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: университет ректори номига ариза, иш жойидан йўлланма, ташкилот ёки корхона шартномаси, ўрта маълумот ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), меҳнат дафтарчасидан кўчирма (ташкилот раҳбари тасдиқлаган), тиббий маълумотнома, 8 дона 3х4 расм.

Аризалар кечки бўлимга 15 сентябрдан 15 октябргача қабул қилинади.

Суҳбат (танланган ихтисосга қараб) 2 ёки 3 фандан 16 октябрдан 25 октябргача ўтказилади. Ўқиш — 1 ноябрдан бошланади.

Аризалар кундузги бўлимга 15 октябрдан 20 ноябргача қабул қилинади.

Суҳбат 21 ноябрдан 26 ноябргача ўтказилади. Ўқиш 1 декабрдан бошланади.

Кундузги бўлимда ўқиш муддати — 8 ой.

Кечки бўлимда ўқиш муддати — 9 ой.

Кундузги тайёрлов бўлимига қабул қилинганлар стипендия ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Студентлар шаҳарчаси, эски ҳарбий кафедра (№13) биноси, 5-қават, 511-хона.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ ЖАРРОҲЛИК ИЛМИЙ МАРКАЗИ

жарроҳлик ихтисоси бўйича (1 ўрин) клиник ординатурасига

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ҳужжатлар эълон босилиб чиққан кундан бошлаб 15 кун давомида қабул қилинади.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилгоҳга юборилсин: 700107, Тошкент шаҳри, Фарҳод кўчаси, 10.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тошкент шифокорлар малакасини ошириш илмгоҳи ректорати, касаба уюшмаси ташкилоти ва офтальмология кафедраси жамоаси офтальмология кафедрасининг ассистенти, тиббиёт фанлари номзоди З. У. Маҳмудовага онаси

Пазли Мансур қизи МАҲМУДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Жумҳурият саломатлик маркази жамоаси марказ врачи А. Тохрийга отаси

Абдурахим ТОҲРИЙнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«СредазНИПКИпишепром» жамоаси азмойишгоҳ мудири, техника фанлари номзоди

Маҳкам Даминович МАҲАМАДАМИНОВнинг

бевақт вафот этганлигини билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Ш. О УБАЙДУЛЛАЕВ.

● Бизнинг манзилгоҳимиз: 700000, ТОШКЕНТ—ГСП ЛЕНИНГАД КЎЧАСИ, 32.
● Мурожаат учун телефонлар: Қабулхона — 32-55-15.
Ахборот тижорат хизмати 32-54-14.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси.
Газета офсет усулида А—2 форматда босилади ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 21.00.
Г—340. № 192. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.